



# O'ZBEKISTON OVOZI



**Спорт майдонларида эришиладиган ютуқ — бу аввало бутун борлигини сафарбар этиб, ўз олдига кўйган мақсад йўлида ўзини енгиб, ўзини аямасдан, курашиб яшайдиган инсоннинг ютуғи, ана шу инсонни тарбиялаб вояга етказган таълим-тарбия масканининг, бутун жамиятимизнинг ютуғидир.**

## «БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ОЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Қадрли фарзандларим!  
Аваламбор, сиз, азиз болаларимни, сизларни кулаб турган муҳтарам устоз-мураббийлар, ота-оналар, ёру дўстларингизни Ўзбекистон ҳаётидаги улкан воқеа — ёшлик, камолот ва спорт байрами — «Баркамол авлод» ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман, барча-барчангизга соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат, янги-янги омадлар тиланган бахтиёрман.

Айни шу кунларда янада чирой очиб бораётган Наманган заминига, ушбу мусобақаларга чуқур тайёргарлик кўриб, сизларни бағрини кенг очиб қутиб олаётган, меҳроқибат, одамийлик каби фазилатларнинг ўрнини, қадрини биландиган, меҳнаткан ва меҳмондўст Наманган аҳлига, мана шу муваззам стадионда тўпланиб турган сизларнинг барчангизга ўзининг юксак ҳурматини изҳор этишдан хурсандман.

Азиз болаларим, фарзандларим!

Биз бутун мамлакатимизда янги давлат, янги жамият барпо этмоқдамиз. Ўнда қилиб айтганда, биз ўз олдимишга қўйган буюк мақсадлар, яъни, дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш, ўз эркинликимизни, ўз мустақилликимизни ҳимоя қилишга қодир бўлиш, жаҳон миқёсда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш — бундай улуғвор вазифалар бугунги кунда, ҳеч шубҳасиз, бarchamizга яқин аёндыр.

Албатта, бундай олий мақсадларга эришиш барчамиздан оғир ва машаққатли меҳнатни, катта синовлардан ўтиш, бошлаган йўлимизни давом эттиришни, фидойиликни, бир ёқадан бош чиқариб, бирдамлик билан ҳаракат қилишни, курашини талаб этади.

Яна бир фикрни чуқур англаб олишни истардим. Биз кўзлаган юксак марраларга эришининг энг катта, энг муҳим шarti ва омили — бу авваламбор ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч қимдан кам бўлмаган, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдирини ва истикболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол авлодимиз, мана шу муҳтарам стадионда тўпланган сизлар каби миң-миңлаб ёшларимиз, ўз фарзандларимиздир.

Биз орзу қилган, биз интилайётган буюк келажакимизни қуришда, барпо этишда биз сиз, азизларингиз энг катта ишончимиз, энг катта таянчимиз, деб биламиз.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкин — бутунги кунда она юртимизда дунёдаги бошқа мамлакатларнинг ҳавасини торғатган замонавий таълим ва тарбия тизими, ўқув масканлари барпо этилган. Болаларимиз тўққиз йиллик умумтаълим мактабларини битириб, қишлоқ ва шаҳарларимизда янгидан қурилган 1500 дан зиёд энг замонавий лицей ва коллежларда 3 йил давомида таҳсил олади. Бу ўқув юртилари энг илғор илм-фан ва тараққиёт сирларини ўзлаштиришга, 2-3 та касб-ҳунарни, хорижий тилларни, Интернет ва ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллашга имкон яратадиган ва бугунги замон талабига жавоб берадиган етук мутахассисларни тайёрлайди.

Энг муҳими, йигит ва қизларимиз ана шу лицей ва коллежларни битириб, ўз она юртига, ўз Ватанига садоқатли бўлиш мактабини ўтайди, ҳаётта онгли қadam қўйишга, жамиятда ўзига муносиб ўрин топишга тайёр бўлади.

Менинг ишончим комил — ҳам билим, ҳам касб-хунар берадиган бундай ўқув юрти, билим ўқовини битириб чиққан сиз азиз болаларимизнинг ҳар бири, мана, мен ҳеч қимдан кам бўлмай, озод Ватанда вояга етдим, энди менинг келажаким ўз қўлимда, ота-онам, эл-юртимнинг ишончини оқлайман, деган фикр билан яшани мукддирар. Бундай авлоднинг қалди ҳам, қадри ҳам баланд, эрганги кунга албатта ёруғ бўлади.

Ҳурматли мусобақа иштирокчилари!

Бугунги кунда униб-ўсиб келаётган, баркамол авлод бўлиб вояга етаётган ёшларимизнинг барчаси ўз ҳаёти, ўз келажакини спортгиз тасаввур этолмайди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Сизларнинг билим ва касб-хунар чўққиларини эгаллаш билан бирга, спортга меҳр

қўйиб, халқаро олимпиада ўйинларининг барча белги-аломатларини ўзида мужжасам этган ушбу «кичик Олимпиада»нинг финал босқичига етиб келиш учун қандай тинимсиз машқ қилганингиз, ирода ва маҳорат кўрсатиб, қандай синов ва қийинчиликларни енгиб ўтганингизни мен ўзимга яқин тасаввур қиламан. Сизларнинг мана шундай марраларни кўлга киритганингизнинг ўзи, ҳеч шубҳасиз, катта ғалаба.

Агар 2011 йилда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» мусобақаларининг саралаш босқичида 700 миңдан ортиқ ўқувчи иштирок этган бўлса, 2014 йилда бу рақам 810 миң нафарни ташкил этаётгани ҳам, мазкур беллашувларнинг қамрови кенгайиб, кураш майдонларидаги баҳслар нақадар қизгин ва муросасиз кечганидан далolat беради.

Барчамиз яқини биламизки, ҳаётдаги ҳар қандай ютуқ, айниқса, спорт оламидаги ғалаба ўз-ўзидан келмайди. Спорт майдонларида эришиладиган ютуқ — бу аввало бутун борлигини сафарбар этиб, ўз олдига қўйган мақсад йўлида ўзини енгиб, ўзини аямасдан, курашиб яшайдиган инсоннинг ютуғи, ана шу инсонни тарбиялаб вояга етказган таълим-тарбия масканининг, бутун жамиятимизнинг ютуғидир.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин: катта спортга интиланган, бу йўлда эндигина ўзининг илк қадамини қўяётган ҳар қайси ёш спортчимиз бутун жаҳон майдонларида Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётган, номлари бутун Ўзбекистонда машҳур бўлган ўнлаб-юзлаб спортчилардан ўрнак ва ибрат олади.

Шулар қаторида бокс бўйича жаҳон чемпиони Бектемир Мелиқўзиев, стол тенниси бўйича халқаро турнир голиби Тоҳир Салимов, дзюдо бўйича жаҳон чемпионатининг қумуш медали совриндори Сарвар Шомуродов, шахмат бўйича жаҳон чемпионати совриндори Моҳинур Қаҳрамонова, бокс, теннис, оғир атлетика, стол тенниси бўйича халқаро турнирлар голиблари Суннатилла Баҳодиров, Ҳумоюн Султонов, Отахон Имомов ҳамда Саидахон Казакова, юнон-рум кураши, тазквондо ва дзюдо бўйича Осиё чемпионати совриндорлари Қамариддин Зайниддинов, Темур Ҳакимов, Фафур Ақтамов сингари истеъдодли ёшларимизнинг номларини бугун ҳурмат билан тилга оламиз.

Азиз ва суюкли фарзандларим!  
Барчангизнинг ҳаётингизда ёрқин саҳифа бўлиб қоладиган, қизгин ва ҳалол курашлар руҳида, ўзаро ҳурмат, баррикентлик муҳитида ўтадиган мусобақаларда сизларга муваффақият тилар эканман, бир фикрни такрор ва такрор айтмоқчиман.

Биз ўз олдимишга қўйган буюк марраларни эгаллаш йўлида кундалик ҳаётимизда амалга ошираётган, бутун дунё тан олаётган режа ва дастурларимиз, ўсиш суръатларимиз, кундан-кунга қиёфаси ўзгариб, куч-қудратга тўлиб бораётган гўзал ва бетакрор она юртимиз, энг муҳими, ривожланган мамлакатлардаги тенгдошларини билан тиллашув ва беллашувга тайёр бўлиб, тобора ҳал қилувчи куч даражасига кўтарилаётган сиз, азиз ёшларимиз, фарзандларимиз билан биз кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак.

Менинг тилагим, даъватим шунки, Ватанимизнинг, олижаноб халқимизнинг ана шундай меҳри ва ишончига доимо муносиб бўлинг, маррани ҳаминша баланд олиб, билимга, изланиш ва ўрганишга интилиб яшанг, ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим!

Фурсатдан фойдаланиб, «Баркамол авлод» ўйинларини юксак савияда ўтказиш учун замонавий спорт мажмуалари ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этган моҳир қурувчиларга, меъмор ва муҳандисларга, ана шундай эзу ишларга катта ҳисса қўшган мутасадди ва ҳомий ташкилотларга, бугун Наманган аҳлига ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги спорт байрами билан яна бир бор табриклаб, барчангизга келгуси ҳаётингизда янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



## Келажакда буюк юртнинг бахтли фарзандлари

**«Баркамол авлод — 2014» республика спорт мусобақаларининг тантанали очилиш маросими байрамона безатилган, йигирма миңдан зиёд томошабинни ўз бағрига олган Наманган шаҳридаги «Навбахор» стадионида бўлиб ўтди.**

Наманган вилояти ҳокими Баҳодир Юсупов академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларини очик деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари иштирокчиларига таб-

ригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларидан иборат узлуксиз тизим фарзандларимизнинг спортга қизиқишини янада ошириш, уларнинг соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етишига

хизмат қилмоқда. Шундан бўлса керак, мазкур уч босқичли ноёб тизим мутахассислар томонидан янги педагогик технология сифатида эътироф этилиб, бугун бутун дунёда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

► Давлати 4-бетда.

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

## «Ҳар гўдакни мўъжиза деб билинг, қутқариши мумкин дунёни»



«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ҳамда Меҳршафқат ва саломатлик жамоат фондининг ушбу шиор остидаги акцияси 30 май куни Тошкент шаҳридаги 1-сон ногирон болалар махсус мурувват уйида бўлиб ўтди.

Унинг тафсилотлари билан газетамизнинг келгуси сонларидан бирида танишасиз.

### www.xdp.uz сайти

Ўзбекистон Халқ демократик партияси  
Ҳаялати тарғиботида муҳим ўрин тутмоқда

Айни пайтда веб-сайтта ЎЗХДП ҳаёти, ЎЗХДП фракция фаолияти, Депутатлар фикри, Республика янгилликлари, Жаҳон мамлакатлари сиёсий партиялари ва парламентлари ҳамда бошқа рункларда ўзбек, рус, инглиз тилларида таҳлилий материаллар мунтазам жойлаштириляпти.

⇒ 3

### Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари

ўз сайлов округларида учрашувлар ўтказмоқда

Давлатимиз фуқароларига муносиб турмуш шароити яратиб бериш учун барча чораларни кўраётганига ўз ҳаётимиз мисолида гувоҳ бўлиб турибмиз. Аҳоли бу ислохотларда қанча фаол иштирок этса, мисол учун, қонунлар лойиҳаларига тақлифлар берса, ҳаётимиз янада фаровон бўлаверади.

⇒ 2

ПАРТИЯ ГУРУҲИ СЕССИЯГА МАСАЛА КИРИТДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари

Ўз сайлов округларида учрашувлар ўтказмоқда

74-Денов сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Анвар Бойқулов Сурхондарё вилояти Денов туманидаги «Тасмасой» маҳалласида учрашув ўтказди. Партия фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, корхона-ташкilotлар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари қатнашган мазкур учрашувда депутат ислоҳот ислоҳот учун эмас, балки инсон учун гоёси мазмун-моҳиятига тўхтади.



Депутат сайловчиларнинг сўровига асосан «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг муҳим йўналишлари тафсилотига, оилаларни ҳар томонлама соғломлаштиришдаги аҳамиятига тўхтади. Дастурга кўра, қандай ишлар қайси муддатларда амалга оширилиши ҳақида ахборот берди, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтиришда фаоллик кўрсатиш ҳақида аниқ таклифлар айтилди.

Очиқ ва самимий ўтган учрашувда сайловчилар ЎзФир-мулоҳазаларини билдиришди.

— Худудимиздаги 7 та маҳаллада 28 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, — деди Анварбой Бойқулов. — ЎзХДП аъзоси Фуқаро Аслонов. — Мустақиллик йилларида туман марказидан олиб бу худуд ҳам ўзгача қиёфа касб этмоқда. Замонавий турар-жойлар, билим масканлари, қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Бундай бунёдкорликлар ҳар биримизда фахр ва ифтихор хиссини уйғотади. Депутат билан мулоқотда бу ишларни давом эттириш, қонунлар ижроси устидан парламент назорати ҳамда жамоатчилик назоратини узвий олиб бориш ҳақида фикр алмашдик.

— Бугун дунёнинг кўпгина мамлакатларида иқтисодий инқирознинг оғир оқибатлари кузатиляпти, — деди ЎзХДП аъзоси Болтамурод Бўтаев. — Юртимизда эса барча соҳаларда юксалиш кўзга ташланмоқда. Бунинг замирида, энг аввало, юрт

тинчилиги, фаровонлиги ётибди. «Тасмасой» маҳалласида 5 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Худуддаги 4 километрдан ортиқ йўлни таъмирлаш кўзда тутилган. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш борасидаги ишлар ҳам давом эттирилмоқда. Давлатимиз фуқароларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш учун барча чораларни кўраётганига ўз ҳаётимиз мисолида гувоҳ бўлиб турибмиз. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилляпти, — дейди Саида Жўраева. — Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қарорга мувофиқ, 2012 йил 1 январдан бошлаб йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйилган талаблар тўғрисидаги Низом амалга киритилди.

кутаётган масалалар мавжудлиги ҳам айтиб ўтилди. ЎзХДП гуруҳи йиғилишида Маждидхон Усмонов сўзга чиқиб, бандлик дастури ижроси билан боғлиқ ҳар бир маълумот ҳаққонийлигини таъминлаш, ҳар бир битирувчининг қаерга ишга жойлашгани, қандай шароитда ишлаётганидан хабардор бўлиш зарурлигини таъкидлади. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи билан узвий ҳамкорлик касб-хунара коллежлари битирувчиларини мутахассислигига мувофиқ иш билан таъминлаш масалалари бўйича ЎзХДП фракцияси ташаббуси билан ўтказилиши режалаштирилган парламент эшитувини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этишини айтиди.

Янги қабул қилинган қонунлар, хусусан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунириш, унинг ижросини таъминлаш, шунингдек, электроратни ўйлантираётган масалаларни ҳал қилишда халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳини фаолликка чақирди.

Абдувалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Шаҳноза ПАРМАНОВА, ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши сектор мудир.

ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан

халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши сессиясида автотранспорт ва пиёдалар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди

ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партиямиз гуруҳи раҳбари Саида Жўраеванинг диққатини Бухоро шаҳар кўчаларида юзага келган транспорт қатнови билан боғлиқ баъзи муаммолар ўзига тортиди.

Вилоят партия ташкилоти етакчиси депутатларни йиғилишга чақирди. Унда Бухоро шаҳрида автотранспорт ва пиёдалар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масаласи муҳокама этилиб, таклифлар билдирилди ва масалани чуқур ўрганиш бўйича ишчи гуруҳи тузилди. Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи масала бўйича назорат-таҳдид ишлари олиб борди.

Маълум бўлишича, айни кунда шаҳарда 31 мингдан ортиқ шахсий, 6 мингга яқин юридик шахсларга тегишли транспорт воситаси мавжуд. Бундан ташқари, ҳар куни шаҳарга 1600 дан зиёд транспорт воситаси келиб-кетилади. Аҳолига 1-автокорхона ва хусусий автотранспорт корхоналарининг 209 автобуси, 226 микроавтобуси, Когон шаҳридан қатнайдиغان 201 микроавтобус, Галя Осиев шаҳридан қатнайдиغان 20 автобус ва 78 микроавтобус, шаҳардаги 50 та МЧЖга тегишли 836 йўналишсиз такси хизмат кўрсатмоқда.

— Сўнгги йилларда аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизмати сифатини яхшилаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилляпти, — дейди Саида Жўраева. — Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қарорга мувофиқ, 2012 йил 1 январдан бошлаб йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйилган талаблар тўғрисидаги Низом амалга киритилди.

Бироқ Бухоро шаҳрида ва туманлар марказларида бош режага асосан қурилаётган замонавий савдо мажмуалари, савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг бошқа объеклари, турар-жойлар, маъмурий бинолар олдида халқаро стандартларга жавоб берадиган автотранспорт воситалари учун вақтинча сақлаш жойлари куриш борасидаги ишлар охирига етиказилмаган.

Бухоро шаҳрида охириги йилларда қурилган баъзи объекتلарда автотранспорт учун вақтинча сақлаш жойлари назарда тутилмаган. Савдо ва маийш хизмат объеклари, янги уйдан жойлар, маъмурий бинолар олдида тўхтаган автотранспорт воситаларининг йўл ёқаларида туриши йўловчи транспорти ва пиёдалар учун ноқулайлик туғдирмоқда.

Депутатларнинг қайд этишича, ўтган йили 12 чорраха ва 8



кўчада доимий равишда тирбандлик юзага келган. Амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган меъёр бўйича соатига 750-850 автомобиль ўтказиш ўрнига ҳозирги кунда 1800-2000 автомобиль ўтказилмоқда ва бу йўл ҳаракати иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашда қийинчиликлар пайдо қилиш билан бирга, кўп ёқли сарфлалинига олиб келмоқда.

Шаҳарнинг Абдулҳолик Ғиждувоний, Мустақиллик, Иброҳим Мўминов, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирдўстим ва Хавзи Нав кўчаларида кўп қабатли турар-жой бинолари, савдо ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Аммо улар яқинда автотранспортлар учун вақтинча сақлаш жойлари йўқ.

Вазирлар Маҳкамасининг «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ягона такси белгилари тасдиқланган. Яъни, таксида сариқ рангдаги, шахматли композицияда белги, давлат солиқ хизмати органларида расмийлаштирилган назорат касса аппарати ва тўловларни банк пластик картчалари орқали қабул қилиш имкониятини берадиган терминал бўлиши керак.

Аммо партия гуруҳининг ўрганиши «Таксиремонтмашсервис» МЧЖ таксилардан бошқа йўналишсиз таксиларда таксометр ва терминал йўқлигини кўрсатди. Ўзбекистон автономия ва дарё транспорт агентлиги худудий бошқармаси лицензия бериш вақтида юқори-

даги қарор талабларини инобатга олмаган. Шунингдек, шаҳар ҳокимлиги йўналишсиз таксилар учун бекат турар-жойлари тайёрлаши керак эди. Аммо бу ишлар ҳам ўз холига ташлаб қўйилган.

Бугунги кунда шаҳарда 87 якка тартибдаги тадбиркор транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, ювчи, мой алмаштириш хизматлари кўрсатиб келмоқда. Депутатларимиз томонидан шулардан 20 нафарининг фаолияти ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, хизмат ҳақларидан тушган маблағ инкассация қилинмайди, касса аппарати йўқ ва тегишли идоралар томонидан назорат юритилмаган. Шунингдек, шохобчаларда 3 нафардан 7 нафаргача ходим ишламоқда. Аммо якка тартибдаги тадбиркорлар улар билан меҳнат шартномалари тузмаган. Депутатлар бу Ўзбекистон Халқ демократик партияси электроратни манфаатларига эид эканлигини қайд этишди.

Партия гуруҳи назорат-таҳдид ишларини умумлаштириб, аниқланган хато ва камчиликларни сессия муҳокамасига олиб чиқишга қарор қилди. Депутатлар ташаббуси билан масала сессия кун тартибига киритилди.

Муҳокама этилган масала бўйича сессия қарор қабул қилди. Унга асосан шаҳардаги «Шарқ» автобекати, «Талижа», «6-кичик туман» ва «Автошох бекат»да йўловчилар учун шароит яратиш, йўналишсиз таксилар учун ташкил этилган 8 тўхташ жойини хатловдан ўтказиб,

қайта таъмирлаш ва қўшимча равишда яна 10 та махсус жиҳозланган тўхташ жойлари куриши ҳамда янги турар-жой мавзеларида автомобиллар учун доимий сақлаш жойлари бунёд этиш бўйича муҳим вазифалар белгиланди.

Бу борада Бухоро вилоят ҳокимининг тегишли ўринбосари, Бухоро шаҳар ҳокими, вилоят архитектору ва қурилиш бошқармаси, вилоят давлат солиқ бошқармаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги худудий бошқармаси, «Бухороавтоўй» худудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилоти, Бухоро шаҳар ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди.

Сессия муҳокамасида қайд этиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва унинг бажарилиши юзасидан кўрсатилган муддатда халқ депутатлари вилоят Кенгаши раисига ахборот бериш вазифаси юклатилди. Худудлардаги муаммоларга худудларнинг ўзида ечим топилиши керак. Бунинг учун, энг аввало, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари асосий масъулиятини ўз зиммасига олиши зарур. Яқинда Қонституция мизга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг маъно-мақсади ҳам шундан иборат.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Жамоатчилик билан алоқалар

хайрихоҳларимиз кўпайишига хизмат қилади

СЎЗ — ЎЗХДП ЕТАКЧИЛАРИГА!

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси кўп жиҳатдан фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллиги ошиб бориши, мустақкам фуқаролик позицияси шаклланишига боғлиқдир. Шу боис партиямиз тизимида аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш, ижтимоий-сиёсий ислохотлардаги иштирокини кучайтириш масаласига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Айтиш жоизки, бу борада ЎзХДП Хоразм вилоят кенгашида ҳам яхши тажриба тўпланган. Электрорат билан самарали ишлаш, улар билан ҳамфикр, ҳамнафас бўлиш, партия сўхбатларида талланган мазмунли барчага етказиш билан бир қаторда иштирокчиларнинг фикр ва таклифлари, истақларини эшитиш химоя қилишга қаратилган фармон ва қарорлар бажарилиши, тегишли қонунлар ижросини ўрганиш, давлат бюджетидан ажратиладиган ижтимоий нафақа ва ёрдамнинг аниқ манзиллигини таъминлаш масалаларида ўрганилмоқда, аҳоли орасида тушунириш ишларини янада кучайтиришга эътибор берилмоқда.

Айни пайтда чекка маҳаллаларда замонавий хизматлар кўрсатиш шохобчалари, қишлоқ инфратузилмаси аҳоли борасида фуқаролар таклиф-истақлари ўрганилмоқда.

Маълум бўлишича, вилоятнинг айрим чекка қишлоқларида аҳоли учун кундалик зарур хизмат турлари ташкил қилинмаган. Мисол учун, давра сўхбатларида вилоят марказидан 200 чақирим масофада жойлашган Тупроққалъа

лари таклифи билан фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрни мавзусида давра сўхбати ўтказдик. Бир соатдан ортиқ давом этган тадбирда мавзу чуқур муҳокама этилиб, ёшларни қизиқтирган бир қатор саволларга атрофлича жавоб берилди. Ушбу мисолнинг ўзи ҳам аҳолининг барча қатламлари орасида партиямизга бўлган қизиқиш ва ишонч тобора ортаётганини кўрсатади.

Вилоятимизда аҳолининг кўпчилиги қишлоқ маҳаллаларида истиқомат қилади. Шунини инобатга олган ҳолда партиянинг «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий кўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси доирасида бир қатор маҳаллаларда давра сўхбатлари ташкил этилмоқда. Мазкур йўналишдаги тадбирларда аҳолини ижтимоий химоя қилишга қаратилган фармон ва қарорлар бажарилиши, тегишли қонунлар ижросини ўрганиш, давлат бюджетидан ажратиладиган ижтимоий нафақа ва ёрдамнинг аниқ манзиллигини таъминлаш масалаларида ўрганилмоқда, аҳоли орасида тушунириш ишларини янада кучайтиришга эътибор берилмоқда.

Айни пайтда чекка маҳаллаларда замонавий хизматлар кўрсатиш шохобчалари, қишлоқ инфратузилмаси аҳоли борасида фуқаролар таклиф-истақлари ўрганилмоқда.

Маълум бўлишича, вилоятнинг айрим чекка қишлоқларида аҳоли учун кундалик зарур хизмат турлари ташкил қилинмаган. Мисол учун, давра сўхбатларида вилоят марказидан 200 чақирим масофада жойлашган Тупроққалъа

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётдан хабарлар

ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши ташаббуси билан Хонқа тумани «Ойдин ҳаёт» маҳалласида «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий кўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси доирасида давра сўхбати ташкил этилди.

Вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Райимберган Сабуров аҳолининг ижтимоий химояга эҳтиёжман қатламни ўйлантираётган масалаларини ўрганиш, уларни жойида ҳал этиш ва бу борада ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни кучайтириш масалалари ҳақида сўз юритди.

Шунингдек, вилоят молия бошқармаси мутахассиси Абдулла Абдуллаев, туман бандлик кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Ботирхон Бекметов, туман давлат солиқ инспекцияси мутахассиси Алишер Йўлдошев ва бошқалар янги иш ўринлари ташкил этиш, ижтимоий кўллаб-қувватлашнинг манзиллигини кучайтириш, уларни тайинлаш тартиблари ва бошқа масалалар юзасидан сўз юритишди, иштирокчиларнинг саволларига жавоб қайтарди.

ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши матбуот хизмати.

Халқ депутатлари Кеҗейли туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аҳолининг ижтимоий ёрдамга эҳтиёжман қатламига тиббий хизмат кўрсатиш, бепул тиббий ёрдам сифатини яхшилаш бўйича туманда олиб борилаётган ишларни ўрганиб чиқди. Унинг натижалари партия гуруҳида ба-тафсил муҳокама этилгандан сўнг, депутатлар бу масалани тегишли доимий комиссия кун тартибига киритиш ҳақида қарор қабул қилишди. Султонмурод ХОЖАНОВ



— Тумандаги бир неча маҳаллада сайловчилар билан учрашганимда касб-хунара коллежлари битирувчиларининг амалиёт ўташи, ишга жойлаштириш масалаларида муружаатлар бўлди, — дейди депутат. — Шунинг учун Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партиямиз гуруҳи билан ҳамкорлик касб-хунара коллежлари битирувчиларини мутахассислигига мувофиқ иш билан таъминлаш масалалари бўйича ЎзХДП фракцияси ташаббуси билан ўтказилиши режалаштирилган парламент эшитувини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этишини айтиди.

## www.xdrp.uz сайти

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ғоялари тарғиботида муҳим ўрин тутмоқда



Жаҳонда тезкор ахборот оқими, янгиликлар тарқалиши жадал суръатлар билан ўсмоқда. Бугун интернет сайтлари ахборот алмашишининг муҳим воситасига айланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолияти билан боғлиқ маълумотларни тарқатишда ҳам интернетдаги веб-сайтнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Ҳозирда партиянинг сайти бир сутка давомида минг мартабага яқин саҳифаланган. Сайтта таширф буюраётган ўқувчилар оқимини инобатга олиб, www.xdrp.uz веб-сайти тизимли равишда ривожлантирилмоқда. Шунингдек, сайтта мобил воситалар орқали кириш имконияти ҳам мавжуд бўлиб, сайтнинг мобил версиясини яратиш ва сўнгги талаблар асосида тақомиллаштириш ишлари олиб бориляпти.

Айни пайтда веб-сайтта ЎзДП ҳаёти, ЎзДП фракция фаолияти, Депутатлар фикри, Республика янгиликлари, Жаҳон мамлакатлари сиёсий партиялари ва парламентлари ҳамда бошқа рухларда ўзбек, рус, инглиз тилларида таҳлилий материаллар мунтазам жойлаштириляпти. Бундан ташқари, партия Марказий Кенгаши томонидан ўтказилаётган тадбирлар, семинар-тренинглар, давра суҳбатларидан видео ва фотолар билан берилмоқда.

Шунингдек, жамоатчилик билан алоқаларни мунтазам йўлга қўйиш мақсадида «Савол — жавоб» руқни орқали турли ижтимоий масалалар юзасидан қилинган мунозабатларга партия фаоллари ва мутахассисларнинг жавоблари берилмоқда.

Веб-сайтда барча вилоят, туман, шаҳар партия кенгашиларининг телефон рақамлари берилган бўлиб, ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдириш имконияти мавжуд. Фойдали манбалар руқни орқали эса Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонулар билан танишасиз.

ЎзДП Марказий Кенгаши ҳамда маҳаллий партия кенгашилари томонидан ўтказилаётган тадбирларни ёритишда бошқа веб-сайтлар билан ўзаро тезкор ахборот алмашиш тажрибаси йўлга қўйилган.

Сайтга кириш имкониятларини кенгайтириш мақсадида www.pdrp.uz домени ишга туширилган.

Бугун сайтта нафақат юрдошларимиз, балки хорижий мамлакатлардан ҳам кўплаб фойдаланувчилар таширф буюрмоқда. Бугунги кунда АКШ, Германия ҳамда Жанубий Корея мамлакатларидан сайтга киришчилар кўпчилигини ташкил этмоқда.

Дарҳақиқат, бугун электр билан ишлаш, партия аъзоларининг сиёсий ҳуқуқий билимини ошириш, жамоатчилик билан алоқа ўрнатишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш долзарб вазифа ҳисобланади. Шу боис партия тизимида энг сўнгги ахборот технологияларидан фойдаланиш тажрибасини янада оммалаштириш зарур.

ЎзДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати.

## Ёшларга оид қонунчилик асослари шарҳланди

ЎзДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Наманган вилояти бўлими ташаббуси билан давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда партия масъул ходимлари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, ёшлар қаноти фаоллари ҳамда Наманган муҳандислик педагогика институтини талабалари иштирок этди.

ЎзДП Наманган вилоят кенгаши раиси Дилором Абдурахимова иштирокчилар билан мулоқотга киришар экан, мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор ва унинг самараси, жамият тараққиётида уларнинг иштироки масалаларига тўхтади. Ёшлар масаласи Халқ демократик партияси учун гоят устувор аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлади. Партиянинг томонидан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларда олиб борилаётган ишларга эътибор қаратди.

ЎзДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Шохрух Абдурахимов ёшлар қанотининг жорий йилга мўлжалланган режалари ҳамда Президентимизнинг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қарорини хосини таъминлашда қанот олдида турган вазифалар хусусида фикр юритди.

«Истиқбол» ёшлар қаноти Наманган вилояти бўлими етакчиси Мўътабар Қозиева ёшлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳуқуқий асослари, эрта никоҳ қу-

ришининг салбий оқибатлари, «оммавий маданият»га қарши кураш, вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда вазифа билан ҳуқуқий ўрни ҳақида сўз юритди. Давра суҳбатида, шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг мазмун-муҳиятини кенг жамоатчилик, хусусан, ёшлар орасида тарғиб қилишда партия ташкилотлари, айниқса, «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳамда партия гуруҳлари имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбир давомида «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан бу каби анжуманларни изчил давом эттириш юзасидан вазифалар белгиланди. Учрашувларни асосан марказдан олиб ҳудудларда ўтказиш, уларда билдирилган фикрлар асосида ёшларга оид давлат сиёсати ҳуқуқий асосларини тақомиллаштиришга хизмат қилувчи амалий тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича тақлифлар билдирилди.

Тадбир якунида бир гуруҳ ёшларга партияга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.

## НОРВЕГИЯ:

# Социал-демократлар

парламентда етакчиликни сақлаб қолди

Дунёнинг ривожланган демократик давлатларида ҳукуматни сиёсий партиялар шакллантиради. Шунинг учун ҳам сайлов жараёнларида сиёсий партиялар ўртасидаги кураш муросасиз кечади. Мазкур мамлакат фуқаролари эса ушбу муҳим сиёсий жараёнларда фаол иштирок этади.

2013 йил сентябрь ойида Норвегия парламентига бўлган сайловлар бундан яна бир бор исботлади. Ҳар бир сиёсий партия ўз сайловолди дастурида мамлакатни янада ривожлантириш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, тинчликни сақлаш каби долзарб масалаларга алоҳида ўрин ажратди.

Мамлакатда кўппартияли тизим қарор топган бўлиб, сиёсий кучларнинг ўз-ўзига қарши рақобатли бўлиб, сиёсий қарарларни қабул қилишда ҳамма партиянинг ҳисобидан бўлиб, юқори палата — Лагтинг, қуйи палата эса Оделстинг деб юритилади.

Сайлов жараёнларида социал-демократлар партияси, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишни ўзининг асосий вазифаси, деб ҳисоблаган — Норвегия ишчи партияси фаол иштирок этди. Сиёсатчиларнинг таъкидлашича, мамлакатнинг бугунги даражага кўтарилиши ва ҳар томонлама ривожланишида мазкур партиянинг муносиби ўрни бор.

Норвегия ишчи партияси 1887 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳамма даврларда мамлакатдаги етакчи сиёсий кучлардан бири саналган. Ўтган йиллар даво-

мида партия мамлакатдаги муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирок этиб, турли вазифаларни бошидан ўтказди. Шунга қарамадан, ўзининг асосий ғояси — социал-демократия тамойилларидан чекинмади. Аксинча, доимий тақомиллаштириш, тажриба тўплаб борди.

Маълумотларга қараганда, 1960-1970 йилларда партия инқирозга учрайди. Бирок 90-йиллар охирида ҳамда 2000 йилларнинг бошида Норвегия ишчи партияси қайтадан ўз мавқени мустаҳкамлаб, сайловларда мунтазам равишда юқори ўринларни қўлга киритиб бормоқда.

Хусусан, 1993 йилги сайловларда Норвегия парламентидаги 165 ўриндан 67 тасини, 1997 йилда эса 65 депутатлик мандатини қўлга киритган. 2005 йилги сайловларда эса 169 ўриндан 61 та, 2009 йилда эса 64 ўринни эгаллаган.

2005 йилдан буён партияга етакчилик қилиб келаётган Йенс Столтенбергни келажакдаги рақобатчи сиёсатчи, деб ҳисоблашди. Сўнгги сайловларда ҳам у ўзининг илгор ғоялари, қўлланган дастурлари билан сайловчиларда илҳом таассурот қолдирди.

Мамлакатдаги етакчи партиялардан яна бири — Консер-

## ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРИ



ватив партия ҳисобланади. Ушбу сиёсий партия ўтган бир неча сайловларда асосан социал-демократлардан кейинги ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Партия либерал-консерватизм ғояларини илгари суради. Партиянинг асосий ғояси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган. Партия тарихидаги энг муваффақиятсиз сайловлардан бири — 2005 йилда кузатилиди. Мазкур сайловларда консерваторлар парламентда бор-йўғи 23 ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Ундан кейинги сайловларда олиб борилган ишлар, сайловолди дастурига киритилган ўзгаришлар натижа-сида партия ўз мавқени тикла олишга эришди.

Консерваторларнинг ҳозирги етакчиси Эрна Сольберг мам-

Бугун дунёда кечаётган сиёсий жараёнлар шунинг кўрсаткичи, мамлакатнинг ривожланиш стратегияси, ички ва ташқи сиёсатини белгилаш, аҳолининг фаровон яшаш, тенг ҳуқуқлиликни таъминлашда сиёсий партиялар асосий ўрин тутмоқда.

лакатдаги етакчи сиёсатчилардан биридир. Эришилган энг сўнгги муваффақиятларда унинг хизматлари катта бўлганини таъкидлаш керак. Бевоқиф ўтган сайлов натижаларига назар ташлайдиган бўлсак, асосий кураш айнан мана шу икки партия ўртасида кечганига гувоҳ бўлаемиз. Норвегия ишчи партияси парламентда 55 депутатлик мандатига эга бўлди. Унинг рақиби консерватив партия эса 48 ўринни банд этди. Шунингдек, яна 5 сиёсий партия парламентда турли ўринларни қўлга киритди.

Бундан ташқари, Норвегияда 20 га яқин кичик-кичик партиялар мавжуд. Улар орасида Қизиллар, Пенсионерлар, Яшиллар партияси каби сиёсий кучлар етакчи ҳисобланади.

Шундай қилиб, Норвегия ишчи партияси парламентда энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлди. Бу эса мазкур партияга ўз ғоя ва мақсадларини амалга ошириш, ижтимоий тенглик тамойилларини илгари суриш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, иш ўринлари яратиш каби вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Бугун дунёда кечаётган сиёсий жараёнлар шунинг кўрсаткичи, мамлакатнинг ривожланиш стратегияси, ички ва ташқи сиёсатини белгилаш, аҳолининг фаровон яшаш, тенг ҳуқуқлиликни таъминлашда сиёсий партиялар асосий ўрин тутмоқда. Шундай экан, сиёсий партия, аввало, яна шу мақсадларни бош вазифаси ҳисоблаши зарур.

Нурали ОРИПОВ

## Тошкент шаҳри: аҳоли бандлигини таъминлаш

мақсадида 2014 йилда 91 мингга яқин янги иш ўрни яратилади

### БАНДЛИК

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан янги иш ўринлари яратиш ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлимининг масъул ходимлари иштирок этди.

— Жорий йилда пойтахтимизда 90964 янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган, — дейди Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бош-

лиги Мадамин Раҳимов. Жорий йилнинг май ойига қадар шаҳарда қарийб 30 мингга яқин иш ўрни ташкил этилган бўлиб, уларнинг 17 минг 200 дан ортиғи хотин-қизларга мўлжалланган. Туманлардаги бандликни кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари орқали 19 минг нафарга яқин банд бўлмаган аҳоли ишга жойлаштирилди.

Жорий йилда пойтахтимиздаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини 35 минг 550 нафар ёш таъминланди. Уларнинг 90 фоизидан ортиғи

билан уч томонлама шартномалар тузилган. Корхона ва ташкилотлар томонидан ушбу шартномалар асосида ёшларни иш билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Иш билан банд бўлмаган фуқаролар учун корхона ва ташкилотлардаги мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтларида доимий жойлаштириб берилмоқда.



Тадбир давомида мутасаддилар журналистларни қизиқтарган саволларга атрафчилик жавоб қайтарди.

Тошкент ХУДОЙҚУЛОВ,  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.

### РЕКЛАМА

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2014 йил 1, 3, 8 ва 10 июль кунлари ўтказиладиган очиқ танлов ва оммавий оферта савдоларига таклиф этади. Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз улушлари қўйилмоқда:

№	Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли	Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг		Савдога қўйилган улушнинг бошланғич баҳоси		Савдо тури ва шакли
		манзили	асосий фаолият йўналиши	Сўм	АҚШ доллари	
1	«EASTBRICK» МЧЖ	Қашқадарё вилояти, Қамаш тумани, Қизилтепа ҚФЙ.	Қурилиш ва хўжалик моллари ишлаб чиқариш, шунингдек, қонун билан тақиқланмаган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш	2 859 145 000,0	1 328 284,18	Очиқ танлов
2	«AZIA AYS» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор 26-даҳа, Ширин кўчаси, 7-уй.	Музқаймоқ ва сут маҳсулотлари, қандолат, консервация маҳсулотлари ҳамда яхна спиртсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1 370 257 000,0	650 048,63	Оммавий оферта
3	«SURXON SUN MILK» МЧЖ	Сурхондарё вилояти, Уzun тумани, Ўзбекистон кўчаси, 4-уй.	Сут ва сут маҳсулотлари, қандолатчилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қadoқлаш, ўраш, қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш, аҳолидан ишлаб чиқариш билан боғлиқ маҳсулотларни йиғиш, улгуржи ва чакана савдо фаолияти билан шугулланиш ва бошқа фаолиятни амалга ошириш	351 163 600,0	167 772,01	

### Очиқ танлов ва оммавий оферта шартлари:

Очиқ танлов ва оммавий оферта қолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз микдоридан кам бўлмаган маблагни савдо ўтказилгандан сўнг бунча пули сифатида, қолган қисмини олди-сотиш шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт. Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарт билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қий-матининг қолдиқ қисмига «Ўзмиллибанк»нинг АҚШ долларини учун база ставкаси бўйича фоз ҳисобланади. Объект фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб бериш шарт билан сотилади. Хўжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи, гаров таъми-

нотини таъминлаш билан боғлиқ барча харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва сургуртлаш билан боғлиқ харажатлар), савдо ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлари ва бошқа юзага келадиган харажатлар харидор маблағларини ҳисобдан амалга оширилади.

### Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги хўжатларни тақдим этишлари лозим:

❖ **юрдик шахслар учун** — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, устав нусхаси, раҳбарнинг тайинланганлиги тўғрисидаги буй-руқ нусхаси, раҳбарнинг паспорт нусхаси, белгиланган зақалат пулининг тўланганлиги тўғрисидаги тўлов топшириқнома-сининг асл нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлай-диган хўжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома, ❖ **ҳисмоний шахслар учун** — паспорт-нинг нусхаси, белгиланган зақалат пули-нинг тўланганлиги тўғрисидаги қитъанча нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақ-

дирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган хўжат нусхаси илова қилин-ган ишончнома; ❖ икки нусхадаги ёпиқ конвертларга со-линган ва қуйидагиларни ўз ичига олади-ган талабгор таклифлари:

❖ сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш му-ддати, бизнес-режа. Такдим этилган хўжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Савдоларда иштирок этиш учун талаб-горлар томонидан савдоларга қўйилган «Eastbrick» МЧЖ ва «Azia Ays» МЧЖ улуш-лар бошланғич нархининг 10 фоизи микдо-рида ҳамда «Surxon Sun Milk» МЧЖ улуш бошланғич нархининг 15 фоизи микдор-даги зақалат пуллари «Toshkent univer-сал auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўлаши лозим. Талабгорлардан қорида кўрсатиб ўтил-ган хўжатларни ҳамда буюртманомалар-

ни қабул қилиш расмий иш кунларида ма-зкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади. Ушбу банк улушлари сотилаётган кор-хоналар билан талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бо-риқ яқиндан танишишлари мумкин.

Савдоларга тақдим этилган таклифлар-ни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кун-лари соат 11:00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали). **Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:** **Сотувчи (Банк):** Тошкент шаҳри, Юнус-обод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй, **телефон:** 234-11-22, 234-15-60, **теле-факс:** 234-43-31. **Савдо ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона, **телефон:** 233-02-49, **телефакс:** 233-23-40, **электрон почта:** TUAS\_MCHJ@mail.ru. **Гувоҳнома № 005357**

Орзу, қувонч, бахт лаҳзалари...



Шоҳсанам ТОШПУЛОВА, Андижон вилояти терма жамоаси аъзоси, 50 метрга эркин усулда сузиш бўйича «Баркамол авлод — 2014» мусобақалари олтин медали совриндори.



Хусниддин АХМЕДОВ, Хоразм вилояти терма жамоаси аъзоси, оғир атлетика бўйича 62 кг вазнда «Баркамол авлод — 2014» мусобақалари олтин медали совриндори.



Достон ЁҚУБОВ, Тошкент вилояти терма жамоаси аъзоси, оғир атлетика бўйича 69 кг вазнда «Баркамол авлод — 2014» мусобақалари олтин медали совриндори.



Артём ПУХАТИЙ, Тошкент вилояти терма жамоаси аъзоси, 200 метрга эркин усулда сузиш бўйича «Баркамол авлод — 2014» мусобақалари олтин медали совриндори.



Келажаги буюк юртнинг бахтли фарзандлари

Бу йилги «Баркамол авлод» мусобақалари бўлиб ўтаётган Наманган вилоятида спортни ривожлантириш, айниқса, болалар спортининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмонан соғлом бўлиб voyга етиши учун қулай шароит ва кенг имкониятлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён ўтган даврда вилоятда 140 га яқин спорт иншоотлари, болалар мусика ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги қарори асосида қуриб фойдаланишга топширилган «Баркамол авлод» спорт мажмуаси вилоят ёшлари учун муносиб тўхфа бўлди. Унда халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган катта стадион, ёпиқ сузиш хавзаси, енгил атлетика, спорт гимнастикаси, бокс, кураш, волейбол, баскетбол майдонлари ва теннис корти мавжуд.

«Баркамол авлод» мусобақаларининг бош майдони бўлган «Навбахор» ўйингоҳи мактаб-интернатимизнинг ёнида жойлашган, — дейди Наманган шаҳридаги 15-сон футбол мактаб-интернати ўқитувчиси Латофат Ҳақимова. — Стадиондаги ўзгаришлар ҳар қандай кишини хайратга солади. «Баркамол авлод» мусобақасининг вилоятимизда ўтказилиши шарофати билан нафақат стадион, балки бутун Наманган шаҳри киёфаси тубдан ўзгарди. Наманганимиз чин маънода водий дурдонасига айланди. Шаҳримиздаги гулзорлар меҳмонларнинг ҳам кайфиятига кўтаринкилик бағишлагига ишонаман.

Мусобақалар дастурига киритилган спорт турлари бўйича иншоотлар, иштирокчилар жойлаштирилган меҳмонхона, ётоқхона ҳамда бошқа ижтимоий-маиший объектлар таъмирланиб, жиҳозланди. «Дўстлик» теннис корти мажмуасида 8 оқиқ ва 2 ёпиқ корт, Наманган олимпия захиралари коллежининг баскетбол зали, «Пахлавон» спорт мажмуасининг бадий гимнастика зали, «Баркамол авлод» спорт мажмуаси, футбол, волейбол, қўл түпи, енгил атлетика, оғир атлетика майдонлари, сузиш хавзаси, шохмат павильони, Олий спорт маҳорати мактабининг бокс, дзюдо, таэквондо, эркин кураш, юнон-рум ку-

раши залларида мусобақаларнинг юқори савияда ўтишини таъминлаш учун барча шарт-шароит яратилди. «Баркамол авлод» спорт мусобақалари бу йил олтинчи мартаба ўтказилмоқда. Мусобақанинг финал босқичида туман, шаҳар, вилоят миқёсидаги беллашувларда ўз иқтидори ва қобилиятини намойён этган энг сара спортчилар қатнашади. Эътиборлиси, бу йилги мусобақалар аввалгисидан тўртта қўп, яъни спортнинг ўн олти тури — баскетбол, волейбол, футбол, қўл түпи, белбоғли кураш, дзюдо, юнон-рум кураши, эркин кураш, бокс, таэквондо, енгил атлетика, бадий гимнастика, теннис, стол тенниси, сузиш ва шохмат бўйича ўтказилмоқда.

«Баркамол авлод» мусобақаларида иштирок этаётган Наманган бахтиёрман, — дейди Наманган «Ёшлар маркази» интеллектуал клуби бош координатори Ҳожиакбар Паттаев. — Мамлакатимиздаги уч босқичли спорт мусобақаларининг ёшлар ҳаётидаги аҳамияти ҳақида ҳар қанча гапирсак ҳам оз. Ушбу спорт анжуманларида қатнашган минглаб иқтидор эгалари ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда. «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари соғлом фикрли, шижоатли ёшлар иқтидор ва салоҳиятини намойиш этиши учун имкониятлар майдонидир. Қолаверса, турли вилоятлардан келган спортчилар бир-бирлари билан фикр алмашади, дўстлашади. Шунинг учун ҳам бу спорт анжумани ёшлар учун ҳақиқий байрамдир.

«Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақаларининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Биз интилган, биз етган марралар

Халчaxon МИРЗАЕВА, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:



— Ўзбекистонимизга, Наманганимизга кўз тегмасин. Тинч, осойишта юртимизда байрамлар байрамларга, шодликлар шодликларга уланмоқда. Хали Самарқанддаги халқаро конференция шуқуҳи аримасдан, бугун Наманганда ёшларнинг спорт олимпиадаси бўлиб ўтяпти. Яратганга шўқр.

Нотинч дунёнинг турли худудларида юз бераётган урушларни кузата туриб, Ватанимизнинг осойишта кунларига шўқронлар айтаман. Ҳозир ер юзининг оловли нуқталаридаги болалар юрак ховўчлаб, минг хавотир билан яшаётган бир пайтда, юртимиз ўғил-қизларининг қувонч хайқирқилари оламни тутмоқда. Фарзандларимиз ҳеч нарса ни ўйламай ёруғ келажак сари дадил қадам ташламоқда. Эртага ҳам

осойишта ҳаёт кечиришга ишонган одамгина ўз олдига юксак мақсадлар қўяди, ҳаётга интилиб яшайди. «Баркамол авлод — 2014» — спорт байрами тимсолида одамлар тинчлик, барқарорлик қадрини ҳар қачонгидан тeранoқ англамоқда, ҳис этмоқда. Мен онаман. Юртимиз тинчлигини, фарзандларимиз бахтли бўлишини жуда жуда истаيمان.

Аббос АТОЕВ, икки қарра жаҳон чемпиони, Олимпиада ўйинлари бронза медали совриндори, «Ўзбекистон ифтихори» фаҳрий унвони соҳибиди:




— Мусобақаларни кузата туриб, ўзим иштирок этган «Баркамол авлод — 2003» спорт ўйинларини ёдга олдим. Спортчи ёшларнинг кўзидаги оловни кўриб, бундан 11 йил аввалги ҳаяжонни ўзимда яна бир бор ҳис қилдим. Айнан ўша баҳслардаги тажриба, кейинги галабаларимга асос бўлган эди.

Бу йилги беллашувлар иштирокчиларнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлиги юқори даражада эканлигини кўрсатмоқда. Айнан мана шу ёш спортчилар орасида келажакда олимпиада, жаҳон чемпионлари етишиб чиқишига ишонаман. Чунки бу каби йирик спорт ўйинлари ёшларнинг янги марралар сари илҳомлантиради, уларга кучгайрат, шижоат бахш этади. Буни оддий кузатувчи эмас, балки, «Баркамол авлод» мусобақаларида қатнашиб,

катта спортга қадам қўйган инсон сифатида айтганман. Бокс беллашувларида буюхорлик ёшлар жуда яхши иштирок этишяпти. Жамоанинг 6 нафар аъзосидан 5 нафар дастлабки жанларда галаба қозонишди. Бироқ ҳал қилувчи бахслар ҳали олдинда. Мусобақанинг барча иштирокчиларига омад тилайман.

Баҳодир ЭҒАМОВ, Навоий вилояти терма жамоаси аъзоси, 50 метрга эркин усулда сузиш бўйича «Баркамол авлод — 2014» мусобақалари олтин медали совриндори:



— Олтин медали олиш бахти, қувончи, шодлигини сўз билан ифодалаш қийин. Ўша дақиқалардаги ҳаяжон, дўстларимнинг табриги, устозларим розилиги... Оила аъзоларим кўз олдимга келди. Назаримда, мен жаҳон чемпиони бўлгандайман. Бу ишончини, бу олтин медални оқлайман. Келажакда олимпиада чемпиони, жаҳон чемпиони бўлганимда ҳам мен учун «Баркамол авлод» мусобақаларида олган олтин медалим қадри бўлиб қолаверади. Бизга шундай шароитларни яратиб бергани учун Президентимизга миннатдорлик билдираман.

Самандар ҲАМРОҚУЛОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:



— Мен спортнинг чинакам ишқибозиман. 1990 йилдан бери каратэ билан шуғулланиб келаман. 1996 йилда қора белбоғ 1-дан соҳиб бўлдим. Каратэ ҳаётимнинг ажралмас бир қисмига айланган. Спорт инсонни руҳан тетик бўлишида ёрдам беради. Спортни севган инсон соғлом фикрлайди, бахтли яшагга интилади. Болалигимизда биз бунақа спорт байрамларини фақат орзу қилардик. Мана, укаларимиз, сингилларимиз дунёнинг ҳеч бир давлатида бўлмаган уч босқичли ноёб тизим — «Кичик олимпиадалар»да қатнашиб, катта спорт учун тажриба тўплашмоқда. Ҳозир ўз вилояти номидан майдонга чиқаётган ёшлар келажакда Ўзбекистон шарафини халқаро ареналарда ҳимоя қилади.

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИДАН

«Баркамол авлод — 2014» мусобақаларининг дастлабки кунда дзюдо, юнон-рум кураши, сузиш ҳамда оғир атлетика бўйича ғолиб ва совриндорлар номи маълум бўлди.

Олий спорт маҳорати мактабида ўтказилган дзюдо беллашувларида спортчилар тўрт вазн тоифасида медаллар учун курашга киришди. Бахслар якунида самарқандлик Кемран Нуриллаев (60 кг), Сарвар Шомуродов (73 кг), қорақалпоғистонлик Эргаш Айтбоев (90), Тошкент вилояти вакили Азамат Баҳодирзода (+90 кг) олтин медаллар билан тақдирланди. Юнон-рум кураши ҳам барчанинг диққат эътиборида бўлди. Унда полвонлар дзюдода бўлгани каби тўрт вазн тоифасида гиламга тушди. Якунда Ислам Баҳромов (55 кг, Тошкент), Арам Варданян (60 кг, Тошкент), Исламбек Незматов (66 кг, Андижон), Мирзоҳид Турсунов (74 кг, Самарқанд)лар шохсуланинг юқори погонасидан жой олишди. «Баркамол авлод» спорт мажмуасида давом этаётган футбол мусобақаларининг ҳал қилувчи бахсларида Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Сирдарё ҳамда Тошкент вилояти терма жамоалари кураш олиб бормоқда:

- 1-тур, 29 май Тошкент шаҳри — Қашқадарё — 2:1, Тошкент вилояти — Сирдарё — 0:1.
- 2-тур, 30 май Тошкент шаҳри — Тошкент вилояти — 4:0, Сирдарё — Қашқадарё — 1:2.

31 май кунни бўладиган охириги тур учрашувларида Сирдарё — Тошкент шаҳри, Қашқадарё — Тошкент вилояти терма жамоалари ўзаро куч синашади.

Волейбол бўйича қизлар ўртасидаги бахсларда Андижон, Қашқадарё, Наманган ва Самарқанд вилояти терма жамоалари медаллар учун курашмоқда:

- 1-тур, 29 май Андижон — Наманган — 25:25, Самарқанд — Қашқадарё — 20:29.
- 2-тур, 30 май Андижон — Самарқанд — 31:19, Наманган — Қашқадарё — 15:18.

Сўнги тур учрашувларида Қашқадарё — Андижон, Наманган — Самарқанд терма жамоалари ўзаро беллашади.

Оғир атлетика. Мусобақа дастуридан жой олган 62 кг ва 69 кг вазн тоифасида кучлилар аниқланди:

- 62 кг. 1. Хусниддин Аҳмедов (Хоразм) — 236 кг (даст кўтаришда 104 кг, силтаб кўтариш бўйича 132 кг) натижа кўрсатди.
- 2. Ёркин Мухторов (Бухоро) — 236 кг (106 кг, 130 кг).
- 3. Бобур Йўлдошев (Андижон) — 235 кг (108 кг, 121 кг), 69 кг. 1. Достон Ёқубов (Тошкент вилояти) — 292 кг (132 кг, 160 кг).
- 2. Абдуқодир Абдухалилов (Тошкент шаҳри) — 266 кг (121 кг, 145 кг).
- 3. Арслон Раимжонов — 256 кг (119 кг, 137 кг).

Шохмат. Мусобақалар кескин тус олмақда. Биринчи кун натижалари бўйича Тошкент шаҳри (ўсмирлар — 2,5 очко, қизлар — 3,5 очко), Сирдарё вилояти (ўсмирлар — 3 очко, қизлар — 3 очко) ҳамда Тошкент вилояти (ўсмирлар — 4 очко, қизлар — 2 очко) жамоалари пешқадамлик қилишмоқда.

Эркин ҲОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» махсус муҳбири.

MUASSIS: Bosh muharrir: Safar OSTONOV

Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug'bek, MUSTAFOYEV, Muslihidin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farruh HAMROYEV, (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA, (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxon — 233-65-45, Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56, E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasining boshqaruvida chop etiladi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 560, 18743 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 21.40, Topshirilgan vaqti — 02.10.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Toshtemir XUDOYQULOV, Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, ZAFAR BAKIROV, ISSN 2010-7633, 1 2 3 4 5